

ДИЛАФГОР ШЕЪРЛАРИ НАШРИ

Собир Мансуров

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар: “Пискент ҳаёти”
“Пискент ва пискентликлар”
“Дилафгор ва унинг “Дуои салом”
шеъри”, “Жаҳон басти кушоди”.

Аннотация

Мумтоз адабиётимиз анъаналарининг давомчиларидан бири бўлмиш Дилафгор адабий мероси ҳақидаги тўлиқ маълумотни ана шу тўпламдан олиш мумкин. Лекин нима бўлганда ҳам ана шу тўплам ва шоир тошбосма девонини қиёсий ўрганиш натижалари жорий ёзувдаги нашрда айрим камчиликлар борлигини кўрсатмоқда. Ҳатто айрим бадиий мукамал бўлмаган шеърлар нашрдан тушиб қолганини ҳам кузатиш мумкин.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

Дилафгор ҳаёти ва ижоди махсус тадқиқот доирасида ҳалигача ўрганилгани йўқ. Шоир ҳаёти ва ижодига доир айрим маълумотлар Адҳам Маматқулов ва Жалолиддин Жўраевлар томонидан нашр қилинган “Гулшани Дилафгор” тўпламида учрайди [Дилафгор ҳаёти ва ижодий мероси ҳақида. Гулшани Дилафгор. – Т.: MUMTOZ SO‘Z. 2011.]. Бундан ташқари, Абдурашид Абдуғафуров томонидан “Ўзбек адабиёти”нинг 4-жилд, 1-китобига Дилафгорнинг 8 ғазал, 2 мухаммаси киритилган, Т.Муродий эса “Асрлар нидоси” тўпламида адибнинг қисқача таржимаи ҳоли билан бирга шеърларидан парчалар берган [Асрлар нидоси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1982. – Б. 242-256.]. Физика-математика фанлари номзоди Адҳам Маматқулов томонидан шоирнинг Ватани бўлмиш Пискент шаҳрининг кўзгуси – “Пискент ҳаёти” газетасида “Пискент ва пискентликлар” рукни остида “Дилафгор ва унинг “Дуои салом” шеъри” номли туркум мақолалар эълон қилинган. Айтиш мумкинки, Дилафгор адабий меросининг ўзбек адабиётида тугган макomini бериш бугунги адабиётшунослик фанининг муҳим вазифаларидан биридир.

Унинг ҳаёти ва ижодига оид маълумот Пўлотжон Домулла Қайюмийнинг “Тазкираи Қайюмий” асарида учрайди. Тазкирада: “Бу киши Тошкент шоирларидан бўлиб, Писканд қасабасидандур. Номи Мулла Абдулборий бўлиб, нима касбда экани билинмайди. Андижон шаҳридан туриб Ватанига хат ёзганидан Фарғона водийсига келиб юргани, савдогар бўлгани эҳтимол тутиладур. 1914 йилда 48 бетли девончасини Тошкентда ўз харажоти ила тошбосмада босилиб чиқди”, - дейилади ва “Саломнома” туркумидаги асаридан бир банд келтирилади [Пўлотжон домулла Қайюмий. Тазкираи Қайюмий. – Т.: 1998. 2-жилд. – Б.379.]. Пўлотжон Домулла Қайюмий домла Дилафгор ижод намуналари билан яқиндан таниш бўлганлигидан юқоридаги хулосага келган, дейиш мумкин.

“Сир эмас, буюк ўтмишга эга бўлган миллатимиз XIX асрга келиб таназзул жараёнини бошдан кечирди. Фурқат Тошкентда яшар экан, рус мактаб-маориф тизимини кўриб ҳайратланди. Ўзимизники билан таққослаб, тараққиётдан нечоғлик орқада қолганлигимизни англади.

Тараққий этган миллатлар даражасига кўтариш зарурлигини тушуниб етди. Телефон, телеграф, газета, виставка, электр энергияси каби ўша пайт учун янгилик ҳисобланган ҳодисаларнинг миллат ҳаётига кириб келишини хоҳлади. “Жаҳон бастаи кушоди” – жаҳондаги барча мушкулотларни ечиш йўли илм-маърифатда деб билди. Шунга кўра, айрим тадқиқотларда айтилганидек, чор Россиясининг мустамлака сиёсатини эмас, рус халқининг ўша пайтдаги юксалишга юз тутган маданиятини тарғиб этди. У Россиянинг илм-фан, саноат соҳаларида эришган ютуқларига ҳавасланди. Шундай маданий даража, шундай юксалиш бизда ҳам бўлишини орзу қилади”¹.

Фурқат орзу қилган тараққиёт маҳсуллари сирасига телеграф, телефон, фотографиялар билан бирга пуржинали коляска (бричка) ҳам кирар, мазкур пуржинали коляскада сайр қилиш маҳаллий аҳолига ҳам бир олам завқу шавқ бағишлагани сир эмас. Тараққийпарвар шоир Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат мазкур тамаддун самараларининг юрт ҳаётида жиддий ўзгаришлар ясабини билган эди. Фурқат ғазалига мухаммас боғлаган шоир Дилафгор ҳам қуйидаги ғазалида ўз салафи ғояларини давом эттириб, боғу роғларга баҳор нафаси тўлганда пуржинали коляскада сайр қилишни ихтиёр этган бўлса не ажаб:

Найлайки, қилди бизни ҳуснига маҳву шайдо,

Бир кўрмасам жамолин йўқтур қарор асло,

Бўлди баҳор сабза, хушранг кўху сахро,

Шул орзу иковлон қилсак экан тамошо,

Пуржиналик килосга (коляскага) бирга тушуб шириллаб.

Ушбу банднинг жорий ёзувдаги вариантыда “**Пуржиналик килосга**” сўзи “**Бир чиналик косага**” тарзида табдил қилинган. Бундай англашилмовчиликнинг юзага келиш сабаблари бор, албатта. Маълумки, араб графикасига асосланган ёзувимизда “п” ҳарфи “б” тарзида, котибларнинг ёзув нуқталарини ҳам ўз жойига қўймай кетиши, ҳатто умуман нуқталарнинг бўлмаслиги ҳам табдилни қийинлаштириши мумкин ва бу табиий ҳол саналади.

Яна бир жиҳат. “Гулшани Дилафгор” тўпламига киритилган икки шеър орасига чегара қўйилмаганидан икки шеър битта бўлиб кетган. Яъни:

“Гулчеҳраларни гўё султонидаур,

Хусн мулкани амири, Хусраву хоқонидаур”, - матлаъли ғазал билан:

“Гўзал маҳвашилар ичра сен каби ҳурлиқо бўлмаз,

Қиёмингла нечун ташбиҳ қилам тубо расо бўлмаз”, - деб бошланадиган ғазал орасида “**Ва лаҳу айзан мувашшаҳ**” деган шартли равишда қўйиладиган чегараловчи сўз тушиб қолган.

Таъкидлаш керакки, Дилафгор шеърлари матнида учрайдиган бу тарздаги тафовутлар шоир асарларининг мавжуд нашрларини танқидий ўрганиш, ҳар бир шеърини мисрама-мисра муқояса этиш, уларнинг аслиятга ҳар жиҳатдан мувофиқ келадиган матнларини тайёрлаш сингари вазифаларни кун тартибига қўяди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дилафгор ҳаёти ва ижодий мероси ҳақида. Гулшани Дилафгор. – Т.: MUMTOZ SO‘Z. 2011.
2. Асрлар нидоси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1982.
3. Пўлотжон домудла Қайюмий. Тазкираи Қайюмий. – Т.: 2-жилд. 1998.
4. Жабборов Н.А. Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси: филол. ф.д... Дисс. – Т. 2004.

¹ Жабборов Н.А. Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси: филол. ф.д... дисс. – Тошкент: 2004. – Б. 13.